

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ**

“Келишилган”

Олий ва ўрта махсус таълим
вазири
И.У.Маджидов

“Келишилган”


Ўзбекистон Республикаси
транспорт вазири
ўринбосари
А.А.Мирзаев

“Тасдиқлайман”


Тошкент давлат транспорт
университети ректори
О.Қ.Абдурахманов



2020й.



2020й.



2020й.

**5230100 – Иктисолиёт (темир йўл транспорти)
таълим йўналиши негизидаги:**

**5A230102 Иктисолиёт (темир йўл транспорти)
магистратура мутахассисликларига кирувчилар учун махсус (иктисолик)
фаниларидан**

ДАСТУР

Тошкент - 2020 й.

Аннотация

5A230102 Иқтисодиёт (темир йўл транспорти) магистратура мутахассислигига кирувчилар учун 5230100 – Иқтисодиёт (темир йўл трансапорти) таълим йўналишининг 2016/2017 ўқув йилида тасдиқланган ўқув режасидаги асосий фанлар асосида тузилган.

ТУЗУВЧИЛАР:

Агзамова М.М. – Тошкент давлат транспорт университети «Иқтисодиёт ва менежмент» кафедраси мудири, катта ўқитувчи

Н.А.Ходжаева - Тошкент давлат транспорт университети «Иқтисодиёт ва менежмент» кафедраси доценти, и.ф.н.

Ш.А.Кадирова - Тошкент давлат транспорт университети «Иқтисодиёт ва менежмент» кафедраси катта ўқитувчиси.

Дастур Иқтисодиёт факультетининг 2020 йил __ июндаги № __ сонли Кенгаши йиғилишида муҳокама қилинган ва тасдиқлашга тавсия этилган.

Кириш

5230100 – Иқтисодиёт (темир йўл транспорти) бакалавриат таълим йўналиши – фан ва ишлаб чиқариш соҳасидаги йўналиш бўлиб, темир йўл транспорти фаолиятини тадқиқ этиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш; темир йўл транспортида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини белгиловчи иқтисодий ва ижтимоий-иктисодий кўрсаткичлар ҳисоб-китоби учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тайёрлаш; темир йўл транспортида тармоқ корхоналарини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш, лойиҳалар ва таклифларни институционал, иқтисодий ва ижтимоий концепцияларини таҳлил қилиш; темир йўл транспорти корхоналарини ташкил этиш ва бошқаришнинг илғор шакллари ва усувларини ишлаб чиқиш, мониторинг олиб бориш ва татбиқ этиш, илмий тадқиқотлар ўтказишида фаол қатнашиш каби касбий фаолият турларини бажариш; хўжалик юритувчи субъектларини иқтисодий хизматлар ҳамда бўлимлари фаолияти бошқарувини ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича қабул қилинган қарорларни тайёрлашда иштирок этиш; темир йўл транспортида тармоқ корхоналари фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичларини тадқиқот қилиш; темир йўл транспортида тармоқ корхоналари фаолиятида таҳлил қилиш методларини кўллаш; темир йўл транспортида тармоқ корхоналарига инвестицияларни жалб этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш методларини кўллаш; темир йўл транспортида тармоқ корхоналари фаолиятини стратегик ривожлантиришда замонавий иқтисодий билимларни кўллашни камраб олади.

Таълим йўналиши негизидаги мутахассисликларнинг вазифаси – талабалар билимларини чуқурлаштириш – турли мулк шаклларига тегишли, темир йўл транспортининг хўжалик юритувчи субъектлари, молия, кредит ва суғурта муассасалари, тармоқ илмий тадқиқот ташкилотлари, ўрта маҳсус ва олий таълим муассасаларнинг иқтисодий, молия, маркетинг, ишлаб чиқариш – иқтисодий ва таҳлил хизматларини ўз ичига олади, темир йўл транспортининг таркибий тузилмалари ва корхоналарини ривожлантиришга, истиқболини белгилашга, касбий кўнкимага, мутасаддилик кобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усувлари, методлари ва услубларини шакллантиришнинг назарий ва услубий масалаларига комплекс ёндошиш бўйича билимларини чуқурлаштириш ҳамда илғор педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда билимларини ошириш ва кўникма ҳосил қилишдан иборатдир.

5230100 Иқтисодиёт (темир йўл транспорти) таълим йўналиши негизидаги 5A230102 Иқтисодиёт (темир йўл транспорти) магистратура мутахассисликларига кирувчи талабалар учун таълим йўналиши ўқув режасига асосан 5 та ихтисослик фанлари бўйича: “Темир йўл транспорти иқтисодиёти”, “Темир йўл транспорти корхоналари иқтисодиёти”, “Темир йўлда ташиш таннархи калькуляцияси”, “Мехнатни меъёrlаш ва ҳақ тўлашни ташкил этиш” ва “Темир йўл транспорти менежменти” тест саволлари шакллантирилган. Бу фанлар ўз негизида қамраб олинган маълумотлар куйида батафсил келтирилган.

Асосий қисм

Темир йўл транспорти иқтисодиёти моддий ишлаб чиқариш соҳаси. Темир йўл транспорти иқтисодиётининг бошқа иқтисодий фанлар билан ўзаро алоқаси. Темир йўл транспорти бозор иқтисодиёти тизимида. Темир йўл транспорти – бозор инфратузилмасининг таркибий қисми. Транспорт бозори инфратузилмаси. Темир йўл транспортининг техник-иктисодий хусусиятлари. Темир йўл транспортида бошқариш ва режалаштириш хусусиятлари. Темир йўл транспортида бошқарув ва режалаштириш. Темир йўл транспортида бошқарув тизими. Темир йўл транспорти фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш асослари. Темир йўл транспортининг фаолият юритиши ва ривожланишининг самарадорлигини иқтисодий баҳолаш. Темир йўлда юк ва йўловчи ташиш жараёнини ташкил этиш ва режалаштириш. Юк ташиш

иқтисодиёти. Юк ташишни ривожлантириш. Юк ташиш тенгсизлиги. Норационал юк ташишлар. Йўловчилар ташиш иқтисодиёти. Йўловчилар ташиш аҳамияти. Темир йўл транспортида йўловчилар ташиш тузилмаси. Аҳолининг транспорт харакатчанлиги кўрсаткичларини аниқлаш. Йўловчилар ташишда тенгсизлик. Йўловчилар ташишни пронозлаш. Йўловчилар ташиш маркетинги. Ҳаракаланувчи таркиб иши ва ундан фойдаланиш кўрсаткичларини режалаштириш. Темир йўл транспорти эксплуатация иши иқтисоди, сифати ва уни тартибга солиш. Эксплуатация ишининг мазмуни ва кўрсаткичлари. Темир йўл транспорти моддий-техник базасини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. Темир йўл транспорти моддий-техник базасини реконструкция қилиш ва ривожлантириш самарадорлиги. Темир йўлнинг асосий фондлари ва айланма воситалари. Темир йўлларнинг асосий фондлари. Темир йўлда капитал қўйилмалар мазмуни ва аҳамияти Темир йўл транспортида инвестициялар. Лойиха-қидирав ишларини режалаштириш. Темир йўл транспортида меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлашнинг ўзига хосликлари Темир йўл транспортида меҳнат иқтисодиёти. Темир йўл транспортида эксплуатацион харажатлар ва ташиш таннархини камайтириш аҳамияти. Темир йўл эксплуатацион харажатларини режалаштириш ва ташиш таннархини ҳисоблаш. Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тузилмавий бўлинмаларининг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти. Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бўлинмаларининг режалари. Темир йўл транспортининг даромадлилик даражасини ошириш. Темир йўл транспортида нарх сиёсати ва нархнинг шаклланиши. Саноат ишлаб чиқариш. Саноат маҳсулоти, иш ва хизматларни ишлаб чиқариш иқтисодиёти.

“Темир йўл транспорти корхоналари иқтисодиёти” фани бўйича мавзулар

Тармоқни ривожлантириш ва модернизациялаш концепцияси. Корхонанинг асосий фондлари. Корхонанинг айланма маблағлари. МТУ нинг ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти. МТУ нинг тузилмавий бўлинмаларининг ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти.. МТУ нинг тузилмавий бўлинмаларининг ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти . Уставли капитал тушунчаси, таърифи, аҳамиятлилиги, ўрганиш ҳусусиятлари. Вагон депосининг техник-иктисодий фаолияти. Вагон депоси тавсифи, асосий кўрсаткичлари. Ташиш жараёнини амалга оширишда вагон хўжалигининг аҳамияти (роли). Вагон депосининг техник - иқтисодий тавсиф мақсади, депонинг асосий вазифалари. Вагон депоси ҳажм ва сифат кўрсаткичлари депо фаолиятида, келтирилган маҳсулотни ҳисоблаш ҳусусияти, уларнинг охирги иш натижасига таъсири ва бажарилишини баҳолаш. Юк ташиш станциялари. Бекатлар таснифи, тавсифи, мақсади, вазифалари. Электр таъминот дистанцияси. Дистанция тизими тавсифи, мақсади, вазифалари. Дистанция гурухлари, фаолият тури. Ҳажм ва сифат кўрсаткичлари. Харажат элементлари бўйича эксплуатацион, маблағлар меъёрлари, маблағларни тежаш йўллари.Локомотив депосининг техник-иктисодий фаолияти. Локомотив депоси тавсифи. Локомотив депоси кўрсаткичлари. Локомотив депоси тавсифи, мақсади, асосий вазифалари. Локомотив депоси ривожланишида тезюарар электр поезди “Афросиёб” кўрсаткичларининг таъсири. Локомотивлардан ишлаш жараёнидан фойдаланишнинг техник-иктисодий кўрсаткичлари. Локомотивларни ишлатиш ва таъмирлаш турлари. Сигналлаштириш ва алоқа дистанцияси, йўл дистанцияси ва йўл хўжалигининг техник-иктисодий фаолияти.Сигналлаштириш ва алоқа дистанцияси.

Йўл дистанцияси ва йўл хўжалиги. Темир йўл транспорти саноат корхоналари иқтисодиёти.

Харажатлар ва уларнинг туркумланиши. Фаннинг предмети, мазмуни ва вазифалари. Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи.Ишлаб чиқариш харажатлари моҳияти ва мазмуни, уларнинг турлари. Маҳсулот(ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом. Темир йўл транспорти харажатларини гурухлаш. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ харажатлар Номенклатурасининг тузилиш тамойиллари. Харажат элементлари бўйича харажатларни ҳисоблаш услублари. Бизнес-режа ва унинг

харажатлар бўйича бўлими. Харажатларни уларнинг элементлари бўйича аниқ белгилаш зарурияти. Асосий воситалар амортизациясини ҳисоблаш тартиби. Ташиш таннархи ва уларни ҳисоблаш усуллари. Темир йўлда ташиш таннархини ҳисоблаш. Темир йўл транспорти маҳсулоти таннархини ҳисоблаш хусусиятлари. Темир йўл транспорти бўлинмаларида маҳсулот таннархи калькуляцияси. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бўлинмаларининг маҳсулоти таннархи калькуляцияси услугиятининг асосий тамойиллари. Ташиш ҳажмининг таннархга таъсири. Харажатларни боғлиқ ва шартли доимий харажатларга бўлиниши. Харажатларни ташиш ҳажми билан математик боғлиқлиги. Ташиш таннархини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш. Харажат ставкалари усулида ташиш таннархи ҳисоби. Ташиш таннархини аниқлаш учун харажатлар ставкаси услуби. Харажатлар ставкаси услубини моҳияти. Харажатлар ставкасини корректировка қилиш хусусиятлари. Харажатлар ставкаси услуби билан юк ва йўловчи ташиш таннархини аниқлаш. Турли шароитларда ташиш таннархини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш. Аниқ шароитларда юк ва йўловчи ташиш таннархини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш услублари. Ташиш таннархини ҳисоблаш услублари. Ҳаракатланувчи таркибдан фойдаланишнинг сифат кўрсаткичларини ташиш таннархига таъсири. Юк ташиш таннархини сифат кўрсаткичларига боғлиқлиги. Калькуляцион ўлчовларнинг ўзгариш характеристи. Иш турлари бўйича таннархни ҳисоблашнинг ўзига хослиги. Алоҳида турдаги иш ва хизматларнинг таннархини ҳисоблаш. Ҳаракатланувчи таркибининг юриши туриб қолиши билан боғлиқ харажатларни ҳисоблаш. Локомотив ва поездларнинг туриши ва тўхташи билан боғлиқ харажатлар. Алоҳидағи турдаги юклар ва турли хил поезд ҳамда вагонларда йўловчилар ташиш таннархини ҳисоблаш. Турли категориядаги поездларда юк ташиш таннархини аниқлаш. Турли омилларнинг ташиш таннархига таъсири. Ташиш таннархига меҳнат унумдорлиги, харажатлар меъёри ва моддий харажатлар нархининг таъсири. Темир йўлнинг эксплуатацион харажатларига реконструктив тадбирларнинг таъсири. Алоҳида темир йўл йўналишлари ва участкаларида ташиш таннархи. Турли йўналишларда таннархнинг ўзгариш хусусиятлари. Темир йўлда ташиш таннархига меҳнат унумдорлигини таъсири. Ташиш таннархини камайтириш йўллари.

Меҳнатни ташкил қилиш ва меъёрлаштириш фанининг моҳияти ва вазифалари. Меҳнатни меъёрлаштиришнинг моҳияти; иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида темир йўл транспортида меҳнатни меъёрлаштириш бўйича вазифалари. Иш жойларини ташкил этиш ва хизмат кўрсатиш. Меҳнат шароитлари ва ходимнинг меҳнат қилиш қобилияти. Ишлаб чиқариш жараёни ва унинг таркиби. Ишлаб чиқариш жараёни тўғрисида умумий тушунчалар. Ишлаб чиқариш қуввати ва уни ҳисоблаш услубиёти. Иш вақти ва уни ўрганиш усуллари. Иш вақти ҳакида тушунчаси. Меҳнатни меъёрлаштиришнинг усуллари ва турлари. Иш вақтининг фотографияси. Ишлаб чиқариш жараёнининг фотографияси ва фотоучет. Ишлаб чиқариш жараёнининг фотографияси (фотохронометраж), фотоучёт кузатувлари: моҳияти, мақсадлари, хусусиятлари, афзаллик ва камчиликлари. Хронометраж кузатуви. Хронометраж кузатувининг моҳияти, турлари, босқичлари. Киносъёмкали усулда кузатув ўтказиш. Меҳнат бўйича меъёрларни лойиҳалаштириш. Иш жойларida меҳнатни ташкил қилинганлик даражасини аниқлаш. Меҳнат тақсимоти ва кооперацияси. Темир йўл корхоналарида меҳнатни ташкил этиш ва меъёрлаш. Локомотив бригадаларида меҳнатни меъёрлаштириш. Локомотив бригадаларининг меҳнатини меъёрлаштиришнинг асосий тамойиллари. Маневр ишларида меҳнатни меъёрлаштириш. Юкларни ортиш ва тушириш ишларида меҳнатни ташкил қилиш ва меъёрлаштириш. Йўл хўжалигига меҳнатни меъёрлаштириш. Йўл хўжалигига меҳнатни рационал ташкил қилишнинг асосий тамойиллари, йўл ишларининг турлари, йўл ишларини бажаришда меҳнатни меъёрлаштириш усуллари, меъёрлаштирилган вазифалар, сунъий иншоотларнинг турлари, йўлни ва сунъий иншоотларни жорий таъмирлаш ишларида меҳнатни меъёрлаштириш. Меҳнатни ташкил этишдан олинадиган иқтисодий самарадорлик. Вақтбай ҳақ олувчи ходимларнинг меҳнатини меъёрлаштириш.

Мутахассис ва хизматчиларнинг меҳнатини меъёрлаштириш. Меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этиш. Ходимнинг иш вақти бюджети. Вақт бюджети тушунчаси. Иш вақтининг номинал ва календар фонди. Бригадаларда меҳнатни ташкил қилиш. Меҳнатни ташкил қилиш ва рағбатлантиришнинг бригада шакллари. Меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил қилиш. Ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш. Меҳнатда иштирок этиш коэффициенти (МИК), уни аниқловчи ижобий ва салбий омиллар; МИКни аниқлаш услубиёти. Ягона тариф сеткаси. Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича Ягона Тариф Сеткаси (ЯТС) нинг мазмуни. Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг тарифли ва тарифсиз шакллари. Вақтбай ва ишбай шаклларда ҳақ тўлаш. Кўшимча ҳақлар.

Транспортда бошқарувни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ва методолик асослари. Замонавий транспорт ишлаб чиқаришни ташкил қилишда менежментининг роли. Транспортнинг бошқарув обьекти сифатидаги хусусиятлари. Темир йўл транспортининг ташкилий бошқарув тузилмаси, уни лойихалаш ва ривожлантириш. Темир йўл транспортида ресурсларни бошқариш. Темир йўл транспортининг ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланишни бошқариш. Темир йўл транспортида ишлаб чиқариш сифатини бошқаришнинг комплекс тизими. Темир йўл транспортида меҳнат жамоаларини бошқариш. Темир йўл транспорти фаолиятида таваккалчиликни бошқариш. Темир йўл транспорти фаолиятида бошқарув қарорларини оптималлаштириш тамойиллари ва усуллари. Темир йўл транспорти фаолиятини бошқаришнинг ахборот таъминоти. Темир йўл транспорти менежменти самарадорлигини баҳолаш. Темир йўл транспортида маркетингни бошқариш. Темир йўл транспортида корпоратив менежмент асослари. Корпоратив бошқарув ва корпоратив менежмент. Корпорация ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Корпоратив мулк ва қимматли қофозлар. Корпоратив бошқариш усуллари ва моделлари. Корпорацияни бошқаришнинг иқтисодий механизми. Корпоратив бошқарувда ахборот ва коммуникация. Корпоратив бошқарув стратегияси. Корпоратив стратегия. Бизнес жараёнлар реинжинеринги. Муваффакиятли реинжинеринг шартлари ва таваккалий омиллари. Корпоратив бошқарувда назорат ва аудит. Корпоратив бошқарувда персонални бошқариш механизми. Корпоратив менежментда мотивация ва рағбатлантириш. Темир йўл транспорти корхоналари менежменти. Темир йўл транспорти фаолиятининг давлат томонидан тартибга солиниши. “ЎТЙ” АЖнинг иқтисодий фаолият бошқармалари. Ташиб жараёнини таъминловчи бўлинмалар. Ягона диспетчерлик маркази, ташкилий тузилиши, вазифалари ва иш технологияси. Минтақавий темир йўл узеллари фаолиятини бошқариш. “Ўзтемирийўлйўловчи” АЖ фаолиятини бошқариш. “Ўзтемирийўлконтейнер” АЖ фаолиятини бошқариш. Йўл қурилиши ва электралаштириш фаолияти билан боғлиқ корхоналар фаолиятини бошқариш. Темир йўл транспорти фаолиятини бошқариш. Темир йўл транспортида ташиб жараёнларини бошқариш. Юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар фаолиятини бошқариш. “Ўзтемирийўлмаштаъмир” УКнинг фаолиятини бошқариш. Тошкент қуюв механика заводи фаолиятини бошқариш. Андижон механика заводи фаолиятини бошқариш. Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмиглаш заводи фаолиятини бошқариш. Тошкент механика заводи фаолиятини бошқариш. “Ўзвагонтаъмир” АЖ фаолиятини бошқариш. Саноат корхоналарида инновацияларни бошқариш. Темир йўл транспорти ижтимоий соҳа муассасалари фаолиятини бошқариш. Ахборот хавфсизлиги. Темир йўл транспортининг тадбиркорлик фаолиятини бошқариш. Темир йўл транспортида экологик менежмент. Темир йўл транспортининг халқаро алоқалари ва уни бошқариш.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг лавозимига киришиш тантанали

- маросимиға бағишланған Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016. – 56 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланған тантанали маросимдаги маъруза 2016 йил 7 декабрь. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016. – 48 б.
 3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. - Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.
 4. Абрамов А.П. и др. Маркетинг на транспорте М.: Желдориздат, 2001г.
 5. Экономика железнодорожного транспорта. Под ред. Н.П. Терешиной и др. М.: 2008 г.
 6. Temir yo'l transporti iqtisodiyoti. O'quv qo'llanma. Ismailxodjaev A.I., Kadirova Sh.A. ToshTYMI, Т.:2013, 220bet.
 7. И.В. Белов, Н.П. Терешина - Экономика железнодорожного транспорта. Учебник. УМКМПС Россия. 2001г.
 8. Стрекалина Р.П. - «Экономика и организация вагонного хозяйства». Учебник для техников и коллежей железнодорожного транспорта - М.: Маршрут, 2005 г. – 434 с.
 9. Fayzihodjayeva M. L., Ismailhodjayev A. I. Temir yo'l transporti korxonalari iqtisodiyoti. O'quv qo'llanma, ТТҮМІ, 2012. – 122 б.
 10. Смехова Н.Г., Купоров А.И. Себестоимость железнодорожных перевозок. Учебник. М.: "Маршрут", 2003
 11. Kadirova SH.A. Temir yolda tashish tannarxining kalkulyasiyasi. O'quv qo'llanma. Т.: ToshTYMI, 2016
 12. Исмаилходжаев А.И., Саримсакова М.Х. Темир йўл транспортида ташиш таннархи калькуляцияси. Ўқув қўлланма.- Т.:ТошТЙМИ, 2006
 13. В.Т. Шишмаков, СВ. Шишмаков – Инновационный менеджмент на железнодорожном транспорте. Учебное пособие для ВУЗов железнодорожного транспорта. М.: Маршрут, 2006 г. – 135 с.
 14. Бублик Г.П. Менеджмент предприятий транспорта. Конспект лекций. – Т: ТашИИТ, 2005
 15. Петров Ю.Д., Купоров А.И., Шкурина Л.В. Планирование в структурных подразделениях ж.д. транспорта. М.: ГОУМЦ железнодорожный транспорт, 2008
 16. Экономика предприятий промышленности железнодорожного транспорта: Учебник для ВУЗов / под.ред. Н.П. Терешиной, Л.П. Левицкой. - М.: ВИНИТЦ, 2002г.
 17. Подсорин В.А., Харитонова А.В. Экономика предприятия: методические указания по дисциплине «Экономика предприятия» - М.: МИИТ, 2011.- 53 с.
 18. Организация, нормирование и оплата труда на железнодорожном транспорте. Под ред. Ю.Д.Петрова и др. – М.:Транспорт, 2000
 19. Назаров А.Ш. “Мехнатни ташкил этиш ва нормалаш”. Т.:Ўзбекистон ёзувчилар ўюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004`
 20. Мехнат кўрсаткичлари таҳлили. Ўқув қўлланма. Холмўминов Ш.Р., Хакимов Х.М. ТДИУ. Т.2004. 112 бет

Интернет сайлари

1. Ягона интерактив давлат хизматлари портали [/https://my.gov.uz/](https://my.gov.uz/)
2. Таълим портали / <http://ziyonet.uz/>
3. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги портали [/http://www.edu.uz/](http://www.edu.uz/)
4. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги / <http://www.mf.uz/>
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси / <http://www.soliq.uz/>
6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси <http://www.customs.uz/>
7. Тошкент ахборот технологиялари университети / <http://tuit.uz/>
8. Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети /<http:// www.nuu.uz>